

## ҚАЛБДАГИ ҚАДРИЯТЛАР

Институт ёшлар иттифоқи фаоллари Тошкент шаҳар миқёсида ўтказилган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» танловида фаол иштирок этишди. Талабалар бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун Тошкент шаҳар туманлари томонидан Наврўз байрам сайлларида қатнашиб, ёшлар марафони, ош чемпионати, миллий ўйинлар, вилоятлардан келган меҳмонлар билан давра суҳбатлари, миллий рақслар, етакчи ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари билан танишув каби таассуротларга эга бўлишди. Энг муҳими, ёшлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, ўзбекона қадриятларга содиқлик, ватанга муҳаббат туйғуларнинг янада жонланишига туртки бўлди десак, адашмаган бўламиз. Ҳаракат, фаоллик давр талаби.



**Институт ёшлар етакчиси Акмал Бердимуродов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**